Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
13 июль
ЧОРШАНБА
№ 56 (12900)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

25 июль

Меҳнат, рағбат, даромад

қишлоқ мулкдорлари эришаётган муваффақиятларнинг асл омили бўлмоқда

Истиқлолнинг энг катта неъматларидан бири, бу шубҳасиз, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тўлиқ ғалла мустақиллигига эришилганидир. Бу ислоҳотларнинг ҳаётий самараси ўлароқ, мамлакатимиз ғаллага бўлган ички эҳтиёжларини тўла қондириб, унинг бир қисмини, ҳатто, экспорт қилишдек салоҳиятга эга бўлди.

❑ Хирмонга барака!



Хусусун, жорий йилда ҳам юртимиз ғаллазорларида баракали ҳосил етиштирилди. Лафзи ҳалол деҳқоннинг фидокорона ва олижаноб меҳнати, шижоатидан эл-юрт хирмони тобора юксалмоқда, халқимизнинг ризқу насибаси бутун бўлаётир. Бунда, албатта, вилоятимизнинг сўзи билан иши бир, омилкор ғаллакорларининг муносиб ҳиссаси бор.

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, фермерлик ҳаракатининг қўллаб-қувватланаётгани, қишлоқ мулкдорларининг эмин-эркин ишлаши учун беқиёс қулайликлар яратилаётгани ўз самарасини бераяпти. Буни вилоятимиз ғаллакорлари нисбатан қисқа фурсатда давлатга 301 минг тоннадан зиёд сара дон сотиб, зиммаларидаги масъулиятли вазифани ёруғ юз билан адо этишга муваффақ бўлганликлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу йил вилоятда 4 минг 996 та фермер хўжалиги томонидан 131 минг 800 гектар майдонда ғалланинг иқлимбоп, ҳосилдор навлари етиштирилди. Ўртача ҳосилдорлик 45 центнерни ташкил этгани ҳолда, ўнлаб заминдорлар 80-90 центнерлик маррани ишғол этдилар. Айниқса, Қибрай, Зангиота, Ўрта Чирчиқ, Пискент, Юқори Чирчиқ туманилик миришкорлар эл-юрт хирмони юксалишида алоҳида фаоллик кўрсатдилар. Ўрим-йиғим ишлари аввалдан пухта тайёргарлик билан, ҳар томонлама синовдан ўтган отряд усулида ташкил этилгани, 311 та юқори унумли ўрим агрегатлари имкониятларидан самарали фойдаланилгани, дала меҳнаткашларига етарли шарт-шароитлар яратиб берилгани, меҳнатни рағбатлантириш, ёқилғи-мойлаш ашёлари таъминоти борасидаги ишлар тизимли йўлга қўйилгани муваффақиятларнинг асосий омили бўлди, десак тўғри бўлади.

Давоми 2-бетда.

Мустақиллик – менинг тақдиримда

Мен истиқлол тенгдошиман ва мустақил юртимиз билан бирга камол топаётганлигимдан чексиз фахрланаман. Мустақиллик биз – ёшларга ҳар жабҳада имкониятларимизни намоён этишимиз, ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуришимиз, катта маънавий ва иқтисодий салоҳиятга эга халқнинг ворислари эканлигимизни кўрсатишимиз учун барча эшикларни очиб берди.

СОДИҚЛИК САБОҒИ, СОБИТҚАДАМЛИК САОДАТИ

Вояга етиб, мустақил ҳаётга қадам қўяётганимда жонажон Ватанимни асраш ва ҳимоя қилишни, юртимиз сарҳадларини қўриқлашни ўзимнинг муқаддас бурчим, деб билдим. Шу сабабли, 2009 йили Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ҳужжатларимни топширдим. 2014 йилда Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур даргоҳни тамомлаб, ҳарбий учувчи деган мутахассисликка эга бўлдим.

Давоми 2-бетда.

ТУРИЗМ: ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

Вилоятимиз туризм салоҳияти бўйича республикамизда етакчилардан ҳисобланади. Буни вилоятда кўплаб ҳордиқ масканлари, 5 та пансионат, 16 та сиҳатгоҳ, 70 та соғломлаштириш ва дам олиш масканлари, 2 та сайёҳлик базаси, 12 та сайёҳликни ташкил этиш корхонаси ҳамда 36 та меҳмонхона мавжудлигида кўриш мумкин. Қолаверса, вилоятда мамлакатимиз ва чет эл фуқароларини ўзига доимо жалб этувчи 372 та тарихий-маданий мерос объекти бор.

❑ Жараён

Вазирлар Маҳкамасининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори туризм ва сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлиб, мамлакатимиз ва хорижлик сайёҳларни минтақанинг тарихий-маданий мероси билан кенгроқ таништиришда янги даврни бошлаб берди. Қолаверса, қарорда дам олиш ва саёҳат қилиш билан боғлиқ шарт-шароитларни яхшилаш, янги йўналишлар очиш, хизматлар сифатини ошириш, шу асосда кўплаб иш ўринларини яратиш мақсадлари ҳам кўзда тутилган эди. Ўтган вақт давомида қарор ижроси доирасида меҳмонхоналар ҳамда бошқа туризм инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш туфайли жами 49,5 миллиард сўм маблағ ҳисобига 22 та лойиҳа амалга оширилди.

– Яқинда жаҳоннинг нуфузли "National Geographic" журнали сайёҳларга тавсия этиладиган энг яхши мамлакатлар рўйхатини эълон қилди, – дейди "Ўзбектуризм" миллий компанияси матбуот котиби Т. Мирзаев.

Давоми 4-бетда.



2016 йил – Соғлом она ва бола йили

КЕЛАЖАК ЙЎЛИДАГИ ОЛИЖАНОБЛИК

Ўзбек халқидек болажон миллат бўлмаса керак. Турмуш тарзимизга чуқур сингиб кетган бу фазилат давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани бежиз эмас. Мақсад – миллат генофондини яхшилаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдир.

Айниқса, сўнгги йилларда она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи тиббиёт муассасаларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Чирчиқ шаҳридаги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳам ўтган тўрт йил ичида жарроҳлик, соматик касалликлар, стерилизация бўлимлари ҳамда қабулхона, овқатланиш ва хўжалик қисмлари таъмирланиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан таъминланди.

Асосан, 17 ёшгача бўлган болаларни даволашга ихтисослашган мазкур тиббиёт маркази мутахассислари кунига 240 беморни текширувдан ўтказади. Марказдаги 14 та бўлимда болаларнинг даволанишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

– Марказимизга келган ҳар бир бемор тегишли бўлимларда чуқур тиббий кўрикдан ўтказилади, – дейди бош шифокорнинг даволаш бўйича ўринбосари Мавие Михриддинова.

Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН МЕВА-САБЗАВОТЛАРИ – ЖАҲОН БОЗОРИДА ЭНГ ХАРИДОРГИР

"Ўзэкспомарказ"да I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси очилди

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 1 июндаги Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил этиш ва уни ҳар йили ўтказиб туриш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан ташкил этилган мазкур ярмарка Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси, "Ўзбекозиқовқатзахира" уюшмаси, "Ўзагроэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирнинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аграр тармоқда чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилгани самарасида мева-сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик изчил ривожланаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, боғдорчиликни ривожлантиришда муҳим дастурилламал бўлмоқда.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини изчил ислоҳ қилишнинг аниқ йўналишлари белгилаб олинди. Сайёрамизнинг қарийб 1 миллиард аҳолиси тўйиб овқатланмаётган ва бу борадаги муаммо тобора кескинлашиб бораётган бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш инсониятнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистоннинг озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш йўлида белгилаган стратегияси нақадар тўғри бўлганлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун берилган мукофотига сазовор бўлган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилгани бежиз эмас.

Мамлакатимизда етиштириладиган мева-сабзавотлар саломатлик учун фойдали микроэлементлар, озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги туфайли ноёбдир. Ўзбекистоннинг ноёб тупроқ-иқлим шароити, мамлакатимизда қуёшли кунлар бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, тўрт фаслнинг изчил алмашинуви кенг турдаги юқори сифатли мева ва сабзавотларнинг асосий навларини етиштириш учун қулай имкониятлар яратади. Шунинг учун ҳам саховатли ўзбек заминида етиштириладиган мева ва сабзавотлар юқори нуфузга эга бўлган ҳақиқий брендга – товар белгисига айланиб, бу маҳсулотларни сотиб оладиган мамлакатларда улар юксак рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.

– Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавотлар саломатлик учун ғоят муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги, юқори сифати, экологик тоза ва хавфсизлиги, рақобатбардошлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли даражада юқори туради, – дейди Халқаро ёнғоқ ва қуруқ мевалар бўйича кенгаш раиси ўринбосари Пино Калкагни. – Ўзбекистонда етиштирилаётган меваларга дунё мамлакатларида талаб жуда катта. Сўнгги ўн йил ичида Ўзбекистон қуруқ мевалари ва ёнғоқлари экспорти ҳажми 5 карра ортгани бунинг ёрқин далилидир. Мамлакатингизда озиқ-овқат саноатининг мазкур йўналишини янада ривожлантиришнинг салоҳияти катта. Серқуёш ўлкангизда етиштириладиган меваларни, айниқса, қора майизни яхши кўраман. Мазкур ярмарка Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятлари, захира ва салоҳияти билан янада яқинроқ танишиш, замонавий технологияларни жалб этиш, ҳамкорлик ўрнатиш, фикр ва тажриба алмашишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Давоми 2-бетда.

ПИСКЕНТДА НАВҚИРОНЛИК БАЙРАМИ

Пискент туманидаги "Ёшлар боғи"да ҳудудий бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда Олмалиқ шаҳри, Ўрта Чирчиқ, Пискент ва Бўка туманларида фаолият кўрсатаётган 260 дан ортиқ корхона ва муассасалар 3 мингдан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Таъкидлаш жоизки, ҳар йили ўтказиб келинаётган бундай тадбирлар коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, аниқ бир касбга йўналтириш, уларни кўп асрлик тарихга эга бўлган "устоз – шогирд" ҳаётий дарсхонасига жалб этиш борасида ўз самарасини бермоқда.

❑ Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Қўлда диплом, кўнгилда бир олам эзгу ният, ғайрат-шижоат билан ярмаркани айланиб, қизиқиш ва интилишларига муносиб ишни чамалаётган ёшларнинг юз-кўзида миннатдорлик ҳисси балқийди. Зотан, Ватан ўз дилбандларига ана шундай ғамхўрлик кўрсатар экан, ўз навбатида, ёшлар ҳам эл-юртга нафи тегадиган, юксакларга кўз тиккан мутахассислар бўлишга, олд сафларни эгаллашга интилиши аниқ.

Ярмаркада 1 минг 260 нафар фуқаро қамраб олинди. Шулардан 995 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бўлиб, уларнинг 471 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Шунингдек, ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган 32 нафар ёшларга вилоятда фаолият юритаётган банклар томонидан имтиёзли кредитлар олиш учун сертификатлар топширилди.

– Бу каби тадбирларнинг ташкил этилиши, бизларга яратилаётган имтиёзлар келажакда Ватан корига ярайдиган инсон бўлиб вояга етишимизни таъминлайди, – дейди иштирокчи Дурдона Маҳмудова. – Ярмарка давомида кўплаб тенгдошларим ўз бизнес ғояларини амалга ошириш учун зарур кўмак ва асосийси имтиёзли кредитларни қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

"Байрамлар байрамларга улансин", дейди халқимиз. Зотан, ҳозиргина иш-жойини тайин қилиб, завққа чўмган ёшларни шу куни яна бир тантана кутиб турарди. Юксак марраларни забт этган тенгқурларнинг эъзозланиши, мукофоту эътирофларга кўмилишини кўриш, табиийки, кишини руҳлантиради, янги чўққилар сари етаклайди. Шу маънода, "Тошкент вилояти ифтихорлари" деб номланган мазкур фестивалда спорт, маданият, таълим сингари турли йўналишлар бўйича вилоят номидан республика ва халқаро миқёсдаги мусобақа ва кўрик-танловларда муносиб иштирок этган иқтидорли ёшларнинг рағбатлантирилиши зўр тантанага, улкан шодиёнага айланиб кетди. Айниқса, ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ҳамда "Тошкент вилояти ифтихорлари" дипломи билан тақдирлаш чоғида уларга ҳавас ила боқаётган орзуманд қоракўзларида улуғ ишларга вобасталик, бунёдкорлик иштиёқи тўлиб-тошганини кузатдик.





Ёшлар фестивалида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари И. Эргашходжаев иштирок этди.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.

Меҳнат, рағбат, даромад

қишлоқ мулкдорлари эришаётган муваффақиятларнинг асл омили бўлмоқда



Бугун вилоятимиздаги кўплаб ер эгалари қатори Ўрта Чирчиқ туманидаги "Мирзакарим Тешавой ота" фермер хўжалиги аъзоларининг ҳам қувончи чексиз. Жамоа ғаллакорлари жами 14 гектар майдонда хўжаликнинг тупроқ, сув ва иқлим шароитига қараб, ғалланинг "Таня" навини етиштирган эдилар. Меҳнат ва тажриба самараси ўзини кўп куттирмади. Табиат инжиқликлари деҳқонларни минг бир синовдан ўтказмасин, уруғлик, минерал ўғит, сув таъминотининг оқилона изга солингани, парвариш даврида асосий эътибор агротехника тадбирларини оби-тобида қўллашга қаратилгани, суғоришда кўпроқ анъанавий услублар қўлланилиб, экин обдон маҳаллий ўғитга тўйинтирилгани, булар пировардида, ниҳолларнинг қалин туплаб, бақувват илдиз отишига имкон бергани баракали ҳосил омили бўлди.

– Ўртача ҳосилдорлик 60 центнердан тўғри келди, – дейди фермер хўжалиги иш юритувчиси Дилфуза Кенжабоева. – Ғалламизнинг бир қисми хўжалигимиз ихтиёрида қолди. Бу хўжалигимиз аъзоларининг уйи буғдойга тўлади, хонадонларига қут-барака киради, дегани.

Экин деҳқон меҳридан яшнайди. Бинобарин, хўжалик аъзоларининг яна бир муҳим тармоқ – пахтачиликдаги меҳнат ва изланишлари ҳам кутилганидан зиёд самара бериши аниқ. Негаки, бугун 50 гектар майдондаги ғўза ниҳолларининг барвақт ривожланаётгани шундай дейишга тўла асос беради.

Кексаларимиз дуога қўл очганда, аввалambор, юртимиз тинч, ризқу насибамиз бутун бўлсин, деб дуо қиладилар. Бировни алқаганда эса, уйингга буғдой тўлсин, деб қўйишади. Негаки, дон – тўқлик, фаровонлик белгиси. Бугун деҳқонларимиз эришаётган муваффақиятлар худди ана шу дуоларнинг ижобати бўлса, не ажаб?!

– Мана, бизнинг фермер хўжалигимиздан қиёс, – дейди Бўка туманидаги "Нодира Имронбек" фермер хўжалиги раҳбари Акмал Тошев. – Юртимизда деҳқон меҳнати муносиб қадр ва эътибор топаётгани, қишлоқ хўжалиги тармоқларини, хусусан, ғаллачиликни ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар туфайли, илгари ҳатто орзу ҳам қилиб бўлмаган натижаларга эришаяпмиз. Масалан, жорий йил жами 17 гектар майдонда дон етиштирдик. Шартномани қоплаш учун ғалла майдонимизнинг 11 гектарининг ўзи кифоя қилди. Қолгани хўжалигимиз аъзоларининг насибаси. Ахир, бу топган-тутганимизга барака, турмушимизга фаровонлик кириб бораётганининг бир нишонаси-да!

Кези келганда яна бир жиҳатга тўхталиш ўринли. Биласиз, табиат ҳамиша ҳам деҳқонни қўллайвермайди. Экин етиштириш босқичларида деҳқон шундай ногаҳоний, жиддий синовларга дуч келадики, тажриба, омилкорлик ишга солинмаса, ҳамма меҳнат ва харажат ҳавога кетади.

Бу мавсум ҳам бундан мустасно бўлмаганини кўпчилик, айниқса, соҳа мутахассислари яхши билишади. Масалан, қишнинг қуруқ ва нисбатан илиқ келгани экин майдонларида турли ҳашаротларнинг урчишига олиб келган бўлса, баҳорнинг анчайин серёғин "ташрифи" ҳосил кушандаси бўлган занг касаллигининг авж олишига шароит туғдирди. Кўпни кўрган миришкорларимиз бундан шошиб қолганлари йўқ. Аксинча, тажриба, меҳнат ва матонат бу гал ҳам ҳосилни асраб қолди.

Вилоят ғаллазорларида шу кунларда ҳам ҳосил мўл. Шу боис, ўрим-йиғим юқори унум билан давом этаяпти. Фурсат ғанимат. Ғаллазордан бўшаган майдонларга пешма-пеш такрорий экин экилаяпти. Олди майдонларда такрорий экинлар ялпайиб яшнаб турибди.

Энг муҳими, деҳқонларимизнинг кайфияти аъло. "Мустақиллик туфайли мулкдор бўлдик, фаровон ҳаёт кечираяпмиз. Бундай юрт учун фидойи меҳнат қилиб, эл-юрт равнақи, дастурхонларимиз тўкинлигига ҳисса қўшиш бахтига нима етсин", дейишмоқда улар.

Алишер РАҲМАТОВ.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

Бошланиши 1-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН МЕВА-САБЗАВОТЛАРИ – ЖАҲОН БОЗОРИДА ЭНГ ХАРИДОРГИР

"Ўзэкспомарказ"да I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси очилди



Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги ўнта етакчи давлат қаторида туради. Бугун халқимиз эҳтиёжидан ортиқча 180 турдан зиёд мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар АҚШ, Бразилия, Вьетнам, Индонезия, Кипр, Македония, Малайзия, Мўғулистон, Норвегия, Россия, Саудия Арабистони, Словакия, Таиланд, Хитой, Япония каби саксондан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда. Соҳада олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар самарасида экспорт жўғрофияси кенгайиб, ҳажми тобора ошмоқда.

Мамлакатимизда йилига 17 миллион тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, уларнинг 4 миллион тоннадан зиёди экспорт қилинади. Ўтган йили юртимизда 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.

Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Натижада, йил давомида нархларнинг ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконияти яратилди.

Ҳозирги кунда экин майдонлари оптималлаштирилиб, ҳосилдорликни оширишга эътибор қаратилмоқда. Янги боғ ва токзорлар барпо этилиб, уларга селекционер олимларимиз яратган ҳар бир ҳудуднинг иқлимига мос, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навлар экилмоқда. Сўнгги йилларда қарийб 100 минг гектарда мевали боғ ва токзорлар барпо этилди. Кейинги уч йилда 22 минг гектардан зиёд майдонда интенсив боғ ташкил қилинди. Уларни яратишда асосан тоғ ва тоғолди ҳудудлари, шунингдек, сув тақчил ерларда пайвандтагларга пакана илдиз-бўғиз қўйиш йўли билан етиштирилган кўчатлардан фойдаланиш технологияси кенг жорий этилмоқда. Бундай боғлар икки йилда ҳосилга кириб, олтинчи йили гектаридан 50-60 тоннагача мева бериши билан ажралиб туради.

Селекционерларимиз яратган иқлим шароитимизга мос, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркунандаларга чидамли сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 170 дан ортиқ нави, мева ва резавор экинлар ва узумнинг 175 нави парваришланмоқда. Бунда пахта майдонлари қисқариб, мева-сабзавот, полиз ва узум етиштиришга ихтисослашган майдонларнинг кенгайиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай ишлар натижасида 2020 йилга бориб картошка етиштириш 35 фоизга, сабзавот 30, мева ва узум 21,5 фоизга ошиши кутилмоқда. Замонавий технологиялар асосида мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини 2030 йилда 5,7 карра ошириш имконини беради.

Ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтириш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги секторининг экспорт салоҳиятидан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш мақсадида "Ўзбекозиқовқатхолдинг" компанияси ва "Ўзагроэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси ташкил этилиб, юртимизда етиштирилган мева-сабзавотларни экспортга етказиб бериш бўйича уларнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгиланди.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад хорижликларни Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида эришилаётган ана шундай юксак самаралар билан яқиндан таништириш, мамлакатимизда етиштирилаётган экологик тоза мева-сабзавотлар, полиз экинлари ҳамда уларни қайта ишлаш орқали тайёрланаётган турли хилдаги маҳсулотларни намойиш этиш, соҳада мавжуд маҳаллий ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, янги шериклар топиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишдан иборат.

Ярмаркада АҚШ, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Италия, Франция, Малайзия, Ҳиндистон, Россия, Латвия, Озарбайжон, Туркманистон, Эрон, Афғонистон, Қозоғистон каби қирқдан зиёд мамлакатдан қўплаб халқаро савдо ташкилотлари, савдо-саноат палаталари, қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган вазирлик ва идоралар, логистика компаниялари, мамлакатимизнинг мева-сабзавотчилик соҳасида иш юритувчи корхоналари иштирок этмоқда.

– Ҳамкорлигимиз барча соҳаларда изчил ривожланаётгани бизни ғоят қувонтиради, – дейди Россия Федерацияси қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари Сергей Левин. – Ўзбекистон Россиянинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги анъанавий ва муҳим шериги-дир. Мамлакатингизда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавотчилик соҳаси ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзбекистондан Россияга мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини янада ошириш, узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдормиз. Мазкур ярмарка мамлакатларимиз ўртасидаги соҳага оид ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини беради.

Халқаро форум озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Унда ҳўл ва қуруқ мевалар, цитруслар, сабзавотлар, кўкатлар, полиз экинлари, дуккакли ўсимликлар, ёнғоқлар, зираворлар, ичимликлар, қадоқлар ва қадоқлаш технологиялари, транспорт ва логистикага оид кўплаб бўлимлар ишлаб турибди.

Мамлакатимиздаги қулай сармоявий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш, барча соҳага замонавий технологияларни жалб этишда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, мева-сабзавотчилик соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб корхоналар самарали фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон мева-сабзавотчилик соҳаси вакилларининг маҳсулотлари мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган компаниялар экспозицияларида кенг ўрин эгаллаган. "Agro Sweet Plus", "Afruz-Kamol-Nabi", "Delta Ekspress", "Fergana Agroexport Biznes", "Qashqadaryo Agroeksport Info", "Different Med", "Business Diamond Invest" корхоналари шулар жумласидандир. Улар кенг турдаги мева-сабзавот маҳсулотларини намойиш қилиб, ўз хизматларини таклиф этмоқда.

– 2008 йилдан буён фаолият юритаётган компаниямиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, мева-сабзавотларни қуритиш ва уларнинг савдоси билан шуғулланади, – дейди Наманган шаҳридаги "Afruz-Kamol-Nabi" масъулияти чекланган жамиятининг тижорат ишлари бўйича директори Собит Нўъмонов. – Мамлакатимизда тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Корхонамиз ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларнинг жалб этилиши йилига 25 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш имконини беради. Маҳсулотларимизга хорижда ҳам талаб катта. Уларнинг экспортини кенгайтиришни режалаштирганмиз. Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси шу жиҳатлари билан бизга жуда маъқул бўлмоқда.

Ярмарка доирасида экспортчилар ва Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари харидорлари ўртасида ўзаро учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиши, тадбир иштирокчиларининг мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар, интенсив боғлар, музлаткичли омборлар билан танишуви режалаштирилган.

– Ташкилотимиз Ўзбекистон билан қўплаб соҳаларда қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда, – дейди Осиё тараққиёт банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Такео Кониши. – Ҳамкорлигимизнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ирригация тизимини модернизация қилишга қаратилган лойиҳалардир. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга, фермер ва ишбилармонларга имтиёзлар яратишга, мева-сабзавотчилик тармоғини тараққий эттиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай юксак эътибор Ўзбекистон иқтисодиётининг муттасил ривожланишида муҳим омил бўлаётир. Мамлакатингиз билан бундан кейин ҳам ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни ҳаётга изчил татбиқ қилишда фаол иштирок этиш ниятидамиз.

Ушбу анжуман мамлакатимиз ишбилармонлари ва чет эллик ҳамкорлар ўртасида музокаралар ўтказиш, тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик истиқболларини белгилаш, икки томонлама манфаатли шартномалар имзолаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг йўналишлари ва ривожланиш истиқболларини таҳлил этиш, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.

Бошланиши 1-бетда.

КЕЛАЖАК ЙЎЛИДАГИ ОЛИЖАНОБЛИК

2013 йил тўлиқ таъмирланган муассаса рентген, МРТ, УТТ, ЭКГ, ЭЭГ, ЭхоЭГ, доплер аппаратлари билан жиҳозланган.

– Вилоятнинг турли бурчакларидан беморлар келишади, – дейди маслаҳат-ташхис муассасаси мудири Дилбар Гаитова. – Уларнинг ҳар бири учун алоҳида тиббиёт дафтарчаси юритилади. Тиббий кўрик бепул. Шунингдек, шифокорларимиз ҳафтанинг ҳар чоршанба куни ўзларига бириктирилган шаҳар ва туманлардаги шифохона ва қишлоқ врачлик пунктларига бориб, беморларни кўрикдан ўтказишади ва шу ернинг ўзида зарур тавсиялар беришади.

Бугунги кунда марказда 58 шифокор ва 306 ҳамшира болалар соғлиғи йўлида кеча-кундуз тун хизматда. Бундан ташқари, пойтахтимизнинг Чилонзор туманида марказнинг филиали самарали фаолият юритмоқда.

Нозима АРСЛОНОВА.

ҚУТЛУҒ РАҚАМ ХОСИЯТИ

❑ Акция

Юртимизда катта байрам шукуҳи ҳукмрон. Қай гўшага борманг, энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик шодиёналарини кўтаринки кайфиятда кутиб олишга ҳозирлик ишлари авжида. Ёшларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида ўз ҳиссасини қўшиб келаётган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам бу жараёнда фаол иштирок этмоқда.



Хусусан, пойтахтимиздаги "Ёшлар ижод саройи"да ҳаракатнинг вилоят кенгаши томонидан мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллиги муносабати билан ўтказилиши режалаштирилган "25" номли акцияга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, фаол ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мазкур акцияни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – истиқлол йилларида босиб ўтилган тарихий йўл, эришилган ютуқ, марралар моҳияти ва аҳамиятини ҳар томонлама чуқур ҳис этиш, уни кенг жамоатчиликка етказиш, "Ким эдигу ким бўлдик?" деган ҳаётий ҳақиқатни англаган ҳолда ёш авлодда ватанпарварлик туйғуларини янада мустаҳкамлашдан иборат.

Матбуот анжуманида сўзга чиққанлар "25" акцияси доирасида "Мустақиллик – менинг тақдиримда" мавзуидаги тақдимотлар танлови, "Энг улуғ ва энг азиз" шиори остида видео ва аудиотаблар танлови, "Ватанимга дил изҳори" фотосуратлар ва видеороликлар танловлари ўтказилиши ҳақида йиғилганларга маълумот беришди.

Танловлар давомида тақдим этилган ижодий ишлар (слайд-шоу, тақдимот, видеотаблар, фотосуратлар) республика ишчи гуруҳи аъзолари томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади. Республика ишчи гуруҳи томонидан саралаб олинган ижодий ишлар оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилинади ҳамда махсус тўплам сифатида чоп этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, сараланган ижодий ишлар асосида "Ватанимга дил изҳори" шиори остида кўргазма ҳам ташкил этилиши белгиланган.

Тадбир якунида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Фирдавс ҲАМИДОВ.
Мансур НАҲАЛОВ олган сурат.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетасини www.th.uz
сайтида кузатиб боринг

- «Келин бўлмиш коллежда ўқиганми?»
- Маҳаллийлаштириш ва инновацион лойиҳалар амалиёти
- Нафс кишанлари

❑ Кўргазма

СУРАТЛАРГА МУҲРЛАНГАН ТУЙҒУЛАР

Тошкент Фотосуратлар уйида ижодий фото мактаб-студияси битирувчиларининг анъанавий ҳисобот кўргазмаси очилди. Бу мактабда таҳсил олганлар турли миллат вакиллари бўлиб, касблари ҳам турлича.

Мазкур кўргазмага ўн нафар битирувчининг 170 дан ортиқ фотосуратлари қўйилган бўлиб, уларда мамлакатимиз гўзал табиати, йил фасллари, кеча ва кундузнинг турли кўринишлари, ҳайвонот дунёси, маданий ҳаётимизнинг айрим қирралари, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, хотин-қизлар, оналар ва болалар сиймолари акс этган. Улар қаторида Ирина Сухинанинг "Сўқоқ. Эрта баҳор", "Сижжак йўлида", "Ҳожикент", "Пском водийси", Владимир Заводовнинг Чорвоққа бағишланган "Осойишталик", "Кайфият", "Жимжитлик" каби фотосуратлари ҳам бор.

Кўргазманинг очилишида мактаб битирувчиларига тантанали равишда сертификатлар топширилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

СОДИҚЛИК САБОҒИ, СОБИТҚАДАМЛИК САОДАТИ



Танлаган соҳам машаққатли ва ғоятда масъулиятли эканлигини чин дилдан ҳис қиламан. Илк бора менга ишониб топширилган ҳарбий вертолётни бошқарганимда мустақил Ватаним учун сидқидилдан хизмат қилиш ва унинг ҳар қарич ерини бегона кўзлардан асраш зиммамдаги энг олий вазифа эканлигини янада чуқур англаб етдим. Вертолёт авиациясидаги икки йиллик хизматим давомида олган билим ва кўникмаларимни зиммамдаги бурчимни оқлашга сафарбар қилдим.

Шуни айтишим керакки, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилаётган сафдошларим учун ҳарбий хизмат нафақат фахрли бурч, балки юксак шарафга айланган. Яна бир муҳим жиҳати шуки, ҳарбий хизмат мен каби ёшларни жисмонан ва маънавий чиниқтириб, руҳимиз ва иродамизни тобламоқда. Юртбошимизнинг, ким эдигу, ким бўлдик, деган сўзларини дилга жо қилиб, кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканлигимизни, Мустақиллик деган азиз неъмат ўз-ўзидан қўлга киритилмаганлигини, уни ота-боболаримиз орзу қилиб ўтганлигини, тақдир бизга Ўзбекистондек бетакрор ўлкани Ватан қилиб берганлигини ҳис қилишни ўргандик.

Яратганнинг бетакрор мўъжизалари кўп, дейишади. Таъбир жоиз бўлса, мустақил Ватан биз учун ана шундай буюк мўъжиза. Айни пайтда мен шундай Ватаннинг фарзандиман, деб айтишнинг ўзи кифоя эмас, уни қалбдан, юракдан, меҳр билан севиш, муносиб бўлиш, қадрига етиш, асраб-авайлаш ҳамда ҳимоя қилиш ҳам керак. Менинг зиммамга ана шундай юксак масъулият тушганлигидан ҳамиша фахрланаман ва унга муносиб бўлишга интиламан.

Шаҳбоз ЭШМАТОВ, лейтенант, ҳарбий учувчи.

Бошланиши 1-бетда.

❑ Қонун ҳимоясида

Реклама тижорий фаолиятнинг ўзига хос тури бўлиб, бир вақтнинг ўзида санъат даражасида баҳоланади. Бозор муносабатлари таъсирида мамлакатимизда, хусусан, вилоятимизда ҳам реклама йўналиши, унга мос равишда соҳа қонунчилиги равнақ топди. Аммо, баъзида мавжуд ҳуқуқий меъёрларни билмаслик оқибатида ёки масъулиятсизлик туфайли истеъмолчилар талабларига зид хатти-ҳаракатлар содир бўлаётир.

ТАШҚИ РЕКЛАМА ҲУҚУҚДАН ТАШҚАРИДА ... ЭМАС

Тошкент вилояти ҳудудида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳужжатларига 2016 йилнинг дастлабки ярим йиллигида риоя қилиниши ўрганилганда, қонунбузилишлар, асосан, ташқи реклама соҳасига тўғри келгани аниқланди.

Жумладан, вилоят Рақобат бошқармаси томонидан 2015 йил давомида ўрганилган 25 та ҳолатдан 9 тасида, 2016 йил январь-июнь ойларида аниқланган 12 та ҳолатдан 8 тасида тадбиркорлик субъектлари томонидан ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилинмагани аниқланди. Қонунбузилишлар сабаблари ўрганилганда, деярли барча ҳолатлар ташқи рекламани жойлаштириш тартиби ва унинг ҳуқуқий оқибатидан бехабарлик натижасида содир этилгани маълум бўлган.

Қайд этиш жоизки, "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига кўра, алоҳида махсус конструкцияларда, тахталавҳаларда, экранларда, биноларда, иншоотларда, йўл чеккаларида, кўча ёритгичларининг таянчлари ва ҳоказоларда жойлаштириладиган матнлар, аудио-визуал роликлар ташқи реклама ҳисобланади.

Ташқи рекламани жойлаштириш тартиби маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида белгиланади. Ушбу модда ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар асосида Тошкент вилоятида ташқи рекламани жойлаштириш тартиби ишлаб чиқилган. Яъни, вилоят ҳокимининг 2003 йил 13 августдаги 160-сонли қарори билан "Тошкент вилоятида ташқи рекламани ва транспорт воситаларида рекламани жойлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом" тасдиқланган.

Мазкур ҳужжатда реклама берувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам кўрсатиб ўтилган бўлиб, чунончи, рекламани жойлаштиришга рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳнома бўлсагина бундай фаолиятни йўлга қўйишга рухсат этилиши алоҳида қайд этилган.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Тошкент вилоятида жойлаштирилаётган ташқи рекламаларга белгиланган тартибда рухсат олинмаётганлиги, Низом талабларига риоя қилинмаётганлиги кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси "Реклама тўғрисида"ги Қонунининг 29-моддасида реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178-1-моддасига асосан "ташқи рекламани жойлаштириш тартиби"га риоя қилмаганлик – маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Тадбиркорлардан вилоятда ташқи рекламани жойлаштиришда "Тошкент вилоятида ташқи рекламани ва транспорт воситаларида рекламани жойлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом" талабларига риоя қилишлари сўралади.

Бахтиёр ИЛЁСОВ,
вилоят прокуратураси
бўлим катта прокурори.

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК БИЛАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Пискент туманида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят ҳамда туман кенгаши билан ҳамкорликда "Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш – бош мақсадимиз" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

❑ Давра суҳбати



Унда партия вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партиянинг туман кенгаши фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистоннинг саноати юксак ривожланган замонавий давлатга айланиши ва унинг жаҳонаро иқтисодий ҳамда индустриал салоҳиятини янада равнақ топтириш учун зарур бўлган барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилганлиги ҳақида сўз юритишди. Шунингдек, узунлиги 123,1 километрлик "Ангрен – Поп" электрлаштирилган темир йўлини муддатидан аввал қуриб битирилгани, мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон учун катта ютуқ, муҳим ва унутилмас тарихий воқеа бўлганини таъкидлашди.

– Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлашда Хитой Халқ Республикаси билан ўзаро стратегик шериклик муносабатлари муҳим аҳамиятга эга, – дейди партиянинг вилоят кенгаши девони раҳбари Шуҳрат Насимов. – Ўзбек ва хитой халқлари азалдан ўзаро савдо-сотиқ қилган, бир-бирининг маданиятини бойитган. Бугунги кунда эса ушбу муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Мазкур ҳамкорлик сиёсат, иқтисодиёт, савдо, саноат, қурилиш, илм-фан, таълим ва маданият каби бир неча соҳаларни қамраб олган ҳамда бир қатор ҳужжатлар асосида изчил тараққий этмоқда.

Учрашув якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Нозима РАСУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.
Мансур НАҲАЛОВ олган сурат.

❑ Шифобахш неъматлар

Меҳнат машаққати ҳақида гап очилганда, асалари заҳмати ҳам тилга олинади. Негаки, у бир қатра асал тўплаш учун оз эмас-кўп эмас, миллионта гулга қўниши керак экан. Қарангки, бунинг самараси ҳам меҳнатига яраша бўларкан. Чунончи, гулини асалари чанглатган ўсимликнинг ҳосили 60 фоизгача ошади, меваларида оқсил, крахмал каби фойдали моддалар кўпаяди ва ўсимликнинг ўзи касалликка чидамли бўлади.

АСАЛ ЕНГ, КАСАЛ БЎЛМАЙСИЗ

Асал таркибида одам организми учун юздан ортиқ ғоят фойдали ва шифобахш модда – ферментлар, минерал тузлар, микроэлементлар, органик кислоталар, витаминлар борлиги аниқланган. "Асал – минг дардга даво" дейлиши шундан. Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино бундан минг йиллар аввал бу шифобахш неъмат билан жуда кўп хасталиклар, жумладан, ошқозоничак, юрак, ўпка, жигар, буйрак, тери, асаб тизими касалликларини даволаган. Улуғ аллома тавсия этган содда ва мураккаб дори-дармонларнинг аксарияти таркибида асал бор. Қолаверса, асаларининг фақат боли эмас, балки муми, прополис-елими, заҳри инсон саломатлиги учун катта аҳамиятга эга.

Одамлар мумни жуда қадим замонлардаёқ билганлар ва ундан турли мақсадларда, хусусан, шам сифатида фойдаланганлар. Ҳозир эса мум парфюмерия-косметика, юқори сифатли лак-бўёқ ишлаб чиқаришда қўлланилмоқда. Айрим кишилар ўзларини асаларига чақтириб бод касалликларидан фориғ бўлган. Фармацевтика саноатида асалари заҳридан турли дорилар тайёрланмоқда.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда дунёнинг 35 мамлакатида асаларилар камайиб кетаётган экан. Испания энг кўп асал етиштирувчи давлатлардан бири бўлса, Хитой бир йилда 13 минг тонна асал етиштириб, дунё бозорининг 90 фоизини эгаллаган.

Бурчмулла ўрмон хўжалигида асалари оилаларини кўпайтириш ва бол сифатини яхшилаш мақсадида наслчилик ва ветеринария-санитария тадбирлари амалга оширилмоқда. Натижада ҳозир асаларилар оиласи 650 дан ошиб, ҳар йили 3-4 тонна асал етиштирилмоқда.

2009-2011 йилларда кўплаб асаларичилик фермер хўжаликлари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада 2009-2011 йилларда асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури" асосида кредитлар ажратилгани туфайли хусусий асаларичилар сафи анча кенгайди.

Х. СУВОНОВ,
Угом-Чотқол Давлат миллий
табиат боғи бош директори.
О. ЖУМАЕВ,
Бурчмулла ўрмон
хўжалиги асаларичиси.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЖАМИЯТ ВА МЕН»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун "Жамият ва мен" танловини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

Танлов йўналишлари:

– ижтимоий мавзуда ёритилган энг яхши материал;

– иқтисодий мавзуда ёритилган энг яхши материал;

– тарихий ва маданий мавзуда ёритилган энг яхши материал;

– сиёсий мавзуда ёритилган энг яхши материал;

– илмий-техник мавзуда ёритилган энг яхши материал;

– спорт мавзуида ёритилган энг яхши материал;

– ижтимоий шериклик мавзуида ёритилган энг яхши материал;

– жамоатчилик назорати мавзуида ёритилган энг яхши материал.

Махсус номинациялар:

– "Ўз даврининг қаҳрамони" мавзуида энг яхши мақола;

– "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида ёзилган энг яхши мақола.

Танловни ўтказиш шартлари ва тартиби:

Танловга номзодлик учун тақдим этиладиган материаллар 2016 йилнинг 1 январидан 10 ноябригача босма нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Улар юксак касбий даража билан ажралиб туриши ва қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

* тақдим этилган мавзуга мувофиқлик;

* мавзуни ёритишда асослилик ва ўзига хослик;

* материалнинг маънодорлиги ва тушунарлилиги;

* аниқ ва ишончли маълумот.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб 10 ноябрга қадар Тошкент шаҳри – 100129, А. Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: (371) 244-14-28.

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари махсус диплом ва ноутбук билан тақдирланади.

Танловга юборилган материаллар қайтарилмайди, улар учун тақриз ёзилмайди ва ҳақ тўланмайди.

Реклама ва эълонлар

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали қуйидагиларни маълум қилади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботлари ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бўйича танлов савдоларига қўйилган қуйидаги ер участкалари Тошкент вилояти тадбиркорлик субъектларининг танлов таклифларини кўриб чиқиш бўйича доимий ишловчи танлов комиссиясининг 2016 йил 30 июндаги қарорига асосан такрорий савдога қўйилмоқда.

1. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Туркистон ҚФЙ, Т. Эрназаров массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган спорт мажмуаси объекти учун танланган, ер майдони 0,80 га. бўлган, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 5 830 976 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори - 1 356 830 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Ўзбекистон ҚФЙ, Чиноз массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони объекти учун танланган, ер майдони 0,05 га. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 364 436 сўм. Қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори - 548 100 000 сўм.

3. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Туркистон ҚФЙ, Т. Эрназаров массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси объекти учун танланган, ер майдони 0,80 га. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 5 830 976 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 12 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори - 1 512 000 000 сўм.

4. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Туркистон ҚФЙ, Т. Эрназаров массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси объекти учун танланган, ер майдони 0,06 га. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 473 323 сўм. Қурилиш муддати 7 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори - 756 000 000 сўм.

6. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Туркистон ҚФЙ, Т. Эрназаров массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони объекти учун танланган, ер майдони 0,08 га. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 583 098 сўм. Қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори - 102 375 000 сўм.

7. Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Чаноқ ҚФЙ, "Қора-қўйли" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси объекти учун танланган, ер майдони 0,06 га. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 358 149, 30 сўм. Қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори - 448 000 000 сўм.

8. Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Меҳнатобод ҚФЙ, "Хос" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси объекти учун танланган, ер майдони 0,006 га. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 35 150 сўм. Қурилиш муддати 3 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори - 300 000 000 сўм.

9. Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Қиёт ҚФЙ, "Ачамайли" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси объекти учун танланган, ер майдони 0,08 га. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 477 534 сўм. Қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори - 627 000 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Тошкент вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2016 йил 11 август куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Тошкент шаҳри, А. Темур шоҳкўчаси, 17-уйда жойлашган Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида 2016 йил 12 август куни соат 11.00 дан бошлаб очилади ва таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Талабгорлардан бошланғич баҳога нисбатан энг юқори таклиф этилган сумма, энг юқори киритиладиган инвестиция миқдори ҳамда яратиладиган янги ишчи ўринлар сони инобатга олинади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади: юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси (якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха; - танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Асос: Тошкент вилояти танлов комиссиясининг 2016 йил 30 июндаги 2-сонли баённомаси.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй, 309-хона. Тел./факс: (371) 228-78-96, rieltsavdo@inbox.uz., www.1kms.uz.

Лицензия № RR 0001.

"AVTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 15 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 17.06.2016 йилдаги № 6122-сонли ижро ҳужжати юзасидан 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 R 508 DA бўлган, "ГБА Дамас СПГ" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 31 311 999 сўм.

2016 йил 1 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

Қибрай тумани СИБ томонидан: 1. 02.02.2015 йил № 2454-сонли ижро ҳужжатига асосан 2005 й. и/ч., "DAEWOO-KALOS" д/р. 11S 2489, бошланғич баҳоси - 14 196 076 сўм. 2. 22.12.2013 йилда № 32021-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1988 й. и/ч., "ВАЗ-2106" д.р. 01X195MA, бошланғич баҳоси - 4 306 825 сўм. 3. 03.07.2013 йил № 12426-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1986 й. и/ч., "Москвич-412" д/р. 10 Т 410АА, бошланғич баҳоси - 1 193 643 сўм. 4. 26.04.2012 № 5782-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1993 й. и/ч., "Доган" д/р. 01К336ЕА, бошланғич баҳоси - 954 594 сўм. 5. 02.03.2015 йил № 7160-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1972 й. и/ч., "ГАЗ-24" д/р. 01V920GA, бошланғич баҳоси - 1 064 115 сўм. 6. 22.06.2012 йилдаги № 9589-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11Х 0082 бўлган, "КАМАЗ" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 2 848 679 сўм. 7. 05.04.2016 йил № 4982-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2009 й. и/ч., "Ласетти" д/р. 01 644CDA, бошланғич баҳоси - 49 817 700 сўм. 8. 05.04.2016 йил № 4982-сонли ижро ҳужжатга асосан, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 824 FDA бўлган "Кобальт" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 52 919 100 сўм.

Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан: 1. 08.02.2016 йилдаги № 887-сонли ижро ҳужжати юзасидан, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 К 471 МА бўлган, "ГБА СПГ Нексия Сонс" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 26 946 260 сўм. 2. 16.06.2014 йилдаги № 11511-сонли ижро ҳужжати юзасидан, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 50 F 552 FA бўлган, "ГБА СПГ Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 23 293 468 сўм. 3. 10.11.2015 йилдаги № 10903-сонли ижро ҳужжати юзасидан 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Q 417 ЕА бўлган, "ГБА Дамас СПГ" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 23 568 898,64 сўм. 4. 10.11.2015 йилдаги № 10902-сонли ижро ҳужжати юзасидан, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Т 123 НА бўлган, "ГБА Дамас СПГ" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 31 311 999 сўм. 2016 йил 1 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда: Қибрай тумани СИБ томонидан: 1. 02.02.2015 йил № 2454-сонли ижро ҳужжатига асосан 2005 й. и/ч., "DAEWOO-KALOS" д/р. 11S 2489, бошланғич баҳоси - 14 196 076 сўм. 2. 22.12.2013 йилда № 32021-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1988 й. и/ч., "ВАЗ-2106" д.р. 01X195MA, бошланғич баҳоси - 4 306 825 сўм. 3. 03.07.2013 йил № 12426-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1986 й. и/ч., "Москвич-412" д/р. 10 Т 410АА, бошланғич баҳоси - 1 193 643 сўм. 4. 26.04.2012 № 5782-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1993 й. и/ч., "Доган" д/р. 01К336ЕА, бошланғич баҳоси - 954 594 сўм. 5. 02.03.2015 йил № 7160-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1972 й. и/ч., "ГАЗ-24" д/р. 01V920GA, бошланғич баҳоси - 1 064 115 сўм. 6. 22.06.2012 йилдаги № 9589-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11Х 0082 бўлган, "КАМАЗ" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 2 848 679 сўм. 7. 05.04.2016 йил № 4982-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2009 й. и/ч., "Ласетти" д/р. 01 644CDA, бошланғич баҳоси - 49 817 700 сўм. 8. 05.04.2016 йил № 4982-сонли ижро ҳужжатга асосан, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 824 FDA бўлган "Кобальт" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 52 919 100 сўм.

Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан: 1. 08.02.2016 йилдаги № 887-сонли ижро ҳужжати юзасидан, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 К 471 МА бўлган, "ГБА СПГ Нексия Сонс" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 26 946 260 сўм. 2. 16.06.2014 йилдаги № 11511-сонли ижро ҳужжати юзасидан, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 50 F 552 FA бўлган, "ГБА СПГ Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 23 293 468 сўм. 3. 10.11.2015 йилдаги № 10903-сонли ижро ҳужжати юзасидан 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Q 417 ЕА бўлган, "ГБА Дамас СПГ" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 23 568 898,64 сўм. 4. 10.11.2015 йилдаги № 10902-сонли ижро ҳужжати юзасидан, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Т 123 НА бўлган, "ГБА Дамас СПГ" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 13 203 632,60 сўм. 5. 07.11.2014 йилдаги № 18136-сонли ижро ҳужжати юзасидан, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 J 323 НА бўлган, "Нексия Сонс" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 28 767 184 сўм. 6. 04.10.2013 йилдаги № 14546-сонли ижро ҳужжати юзасидан, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 А 92 19 бўлган, "Ваз 21-011" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 717 921 сўм. 7. 18.03.2014 йилдаги № 6416-сонли ижро ҳужжати юзасидан, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Е 454 СА бўлган "Ваз 21150" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 8 177 215 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "Avto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (371) 233-61-44.

Гувоҳнома № 004593.

O'zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши жамоаси кенгаш раисининг кичик бизнес ва фермерлик масалалари бўйича ўринбосари, вилоят Фермерлар кенгаши раҳбари Тўлқинбой Тўраевга падари бузруквори

ФАНИ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Маънавият

Китоб – бебаҳо бойлик. Унинг қадрини, аҳамиятини, китоб ўқийдиган одамгина билади. Зотан, билимли, комил инсон етук илми, ўткир дунёқараши билан ёшлар тарбияси, миллат камолига хизмат қилади.



ОШХОНА КЎП, АПТЕКА ТАЛАЙ,

лек китоб изласам, қаерга борай?..

Юртимизда адабиётга қаратилаётган эътибор самараси ўлароқ, бугунги кунда китоб дўконлари турли адабий-бадиий нашрлар билан бойиб бораяпти. Кўплаб шоир ва ёзувчилар, журналистлар ўз ижод намуналарини жамлаб, китоб ҳолида чоп этишмоқда.

Улар орасида бизнинг Оҳангарон туманимизда яшаб, ижод қилаётган шоир ҳамда журналистларнинг ҳам борлиги қувонарлидир. Мўмин Қаюм, Турсунали Жуманов, Неъмат Душаев, Қўқонбой Мирзалиев, Хуршида Турсунбоевалар қаламига мансуб китоблар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, ўн тўққиз ижодкорнинг шеърлари жамланган "Оҳангарон илҳомлари" тўплами мухлисларга манзур бўлди.

Аммо, бу масаланинг бир томони, холос. Иккинчи муҳим жиҳат шуки, китоблар ўқувчиларга қай йўсинда етиб бормоқда? Бу саволга Оҳангарон тумани мисолида жавоб беришга уриниб кўрамиз.

Ҳозирги деҳқон бозори қаршисида илгари туман матлубот жамиятига қарашли яхшигина китоб дўкони бўларди. Кейинчалик бу жойлар бузилиб кетди, бироқ, янги китоб дўкони учун Оҳангарон шаҳрида жой "топилмади".

Тўғри, ҳозир замон бошқа, электрон китоб деганлари ҳам пайдо бўлди. Бироқ, қизиқ-да, озиқ-овқат дўконлари учун тезгина жой ажратилади-ю, аммо, китоб дўконлари учун ер ажратишни турли баҳоналар билан пайсалга солишади?! Ҳозир марказий деҳқон бозорида замонавий дўконлар қурилди. Аммо, улар орасида китоб дўконларига нега ўрин йўқ?

Масалан, камина фаолият юритаётган "Оҳангароншифер" ҳиссадорлик жамиятида шинам кутубхона бор. У техник адабиётлардан ташқари, бадиий, ҳуқуқий, сиёсий-ижтимоий китоблар фондига эга. Корхонада тез-тез китобхонлик конференциялари, таниқли шоир ва ёзувчилар ҳамда олимлар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Кейинги пайтларда ходимларга таваллуд айёми муносабати билан Шарқ мумтоз шеърияти тўпламларини ҳадя қилиш одат тусига кирди. Бироқ, ҳамма жойларда ҳам китобга муносабат қониқарлими?

Тумандаги собиқ "Сантехлит", "Стройпластмасса" комбинатларида турли соҳага оид минглаб нусха китоб фондига эга кутубхоналар бўларди. Бу зиё масканлари ҳозир қандай аҳволда? Китоблар макулатурага топшириб юборилмаганмикин, деган хавотирим бор.

Яқинда "Оҳангароншифер" ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси шаҳардаги ахборот-ресурс марказига икки юз минг сўмлик китоблар туҳфа қилди. Марказ ходимларининг қувонганларини кўрсангиз эди. Қарангки, янги китоблар келганини биринчи бўлиб болалар эшитиб, барча эртак китобларни уч кундаёқ олиб кетишибди!

Яна бир гап. Илгарилари иккинчи ва тўртинчи кичик тумандаги кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватларида кутубхоналар бўларди. Ҳозир улар квартирага айланган. Майли. Бу ўз йўлига. Аммо, савол туғилади: ўша кутубхоналардаги китоб фонди қаёққа кетди?

Тўғри, яхши, ижобий ҳолатлар ҳам кўп. Хусусан, тумандаги иккита коллежнинг кутубхоналари ҳавас қилгудек даражада. Кирсанг, кўзинг қувнайди. Маънавият ва маърифат хоналари ҳам ораста, шинам.

Лекин, ҳаётда шундай воқеалар бўладики, таассуф қилмоқдан ўзга чора йўқ.

Яқинда бир танишим шундай воқеани куюниб гапириб берди. Туманимизда узоқ йил ишлаган марҳум журналистнинг қизи отасининг анча китобларини чиқинди қоғозларни қабул қилиш шахобчасига топширибди. Буни эшитган танишимиз зудлик билан шахобчага борибди. Қараса, ҳаммаси нодир асарлар, улар орасида марҳум журналистнинг ўзи ёзган китоблар ҳам бор экан. Улар китобларнинг пулини тўлаб, "Илоқ" маҳалла қўмитаси биносига олиб келишибди. Шу баҳона маҳаллада кутубхона ташкил қилишибди.

Ҳа, китоб ўқиш, уни авайлаш ҳисси, аввало, инсон қалбида бўлади. Мана шу ибратни, гўзал хислатни ёшларга юқтириш, уларни шу руҳда тарбиялаш керак. Бу ҳар бир зиёлининг муқаддас вазифасига айланиши шарт, деб ўйлаймиз.

Озод ХУШНАЗАРЗОДА,
Оҳангарон тумани.

ТУРИЗМ: ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

– Унга кўра, Ўзбекистон туризм бўйича юқори салоҳиятга эга етакчи 10 мамлакат рўйхатидан жой олди. Мазкур нашрда, шунингдек, Ўзбекистон нафақат гўзал табиати, миллий бозорлари, тарихий қадамжоларга бойлиги, қолаверса, меҳмондўстлиги билан ҳам ажралиб туриши эътироф этилган. Бундан ташқари, нашр сайёҳларга Ўзбекистонга борганда, албатта, унинг дунёга машҳур миллий таомларидан татиб кўришни маслаҳат берди. Хусусан, ўзбек паловига алоҳида таъриф берилган.

Маълумотларга кўра, 2012 йилда вилоятда меҳмонхоналар атиги 17 та эди, бугун 36 тага, мос равишда соҳада хизмат қилаётганлар сони 1317 нафардан 2 минг 248 нафарга етди.

Бўстонлиқ туманидаги Юсуфхона қишлоғида жойлашган "Белла Азия" жамиятининг 90 ўринли меҳмонхона ҳамда кўнгилочар мажмуаси дам олувчилар хизматида. Оҳангарон туманидаги Озодлик қишлоғида сайёҳлар учун 30 ўринли ҳар томонлама қулай, кемпинг, мини маркет ва бошқа хизмат кўрсатиш

Бошланиши 1-бетда.

мажмуаси қад ростлади.

Шу билан бирга республикада иқлими ва юқори даражадаги сервис хизмати билан ажралиб турадиган Бўстонлиқ туманидаги "Оқтош" санаторийси 15 миллиард сўм, Қибрайдаги "Ботаника" санаторийси 5,4 миллиард сўм маблағ эвазига реконструкция қилинди. Натижада, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрувчи дам олувчиларга жаҳон талаблари даражасида хизматлар кўрсатиладиган бўлди.

Сайёҳлар эътиборини тортаётган зиёрат туризми бўйича бюджет маблағларидан 12,8 миллиард сўм йўналтирилиши натижасида жами 5 та тарихий-маданий мерос объектлари янгича қиёфа касб этди. Жумладан, Зангиота мажмуаси тўлиқ қайта таъмирланиб, замонавий туризм масканига айлантирилди. Мажмуада 1000 ўринли янги масжид, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакиллигининг биноси, 2 та фаввора, 2 та шийпон қад ростлади.

– XV асрга оид меъморий ёдгорлик бўлган Зангиота зиёратгоҳи нафақат республикамизда, балки Ўрта Осиё халқлари орасида маълум ва машҳурдир, – дейди халқаро "Олтин мерос" жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси Зарифа Эшмирзаева. – Зангиота мақбарасини XIV асрнинг 80-йилларида Амир Темур қурдиргани ва XV асрнинг 20-йилларида Мирзо Улуғбек ҳомийлигида қўшимча қурилиш ҳамда безак ишлари бажарилгани, мажмуа мустабид тузум даврида эса омборхона, кейинчалик музей вазифасини ўтаганини юртдошларимиз яхши билишади.



Вилоятнинг туризм салоҳиятини маҳаллий ҳамда хорижий сайёҳларга кенг намойиш қилиш мақсадида турли чора-тадбирлар, чунончи, ярмарка ва фестиваллар ўтказилмоқда. Хусусан, навбатдаги "Тошкент халқаро туризм ярмаркаси"да туризм салоҳиятини акс эттирган журналлар, тарихий-археологик ва бошқа туризм йўналишлари бўйича тегишли буклетлар, видеороликлар, қўлланмалар кўргазма иштирокчиларига тақдим қилинди. Бўстонлиқ туманида "Осенний аккорд", "Геолог", "Чимён экстрим", "Чимён садоси", "Қадрдон ўлкам" фестивалларини ўтказилиб, уларда касб-ҳунар коллежларининг 2 мингга яқин ўқувчилари, республиканинг турли ҳудудлари ҳамда Россия, Беларусь, Украина ва Қозоғистондан сайёҳлар иштирок этди.

– Вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг қарори доирасида 7,2 миллиард сўмлик маблағ ҳисобига 19 та объект фойдаланишга топширилди, – дейди "Ўзбектуризм" МК мутахассиси Ж. Гозиев. – Жумладан, Бўстонлиқ туманида уй меҳмонхонаси ва кўнгилочар мажмуа, Ангрен шаҳрида замонавий кинотеатр қурилди. Бу йил соҳадаги ишларни давом эттириш мақсадида қиймати қарийб 14,8 миллиард сўмлик 8 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Муқаддас ИСРОИЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ОРОМГОҲДА ЁЗ ШУКУҲИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, истеъдодларини юзага чиқариш йўлида кўламли ишларни амалга оширмоқда. Ҳаракат томонидан ташкил этилган турли лойиҳалар истеъдодларни излаб топиш, уларни муносиб рағбатлантириш ва қобилиятини тўғри йўналтиришда улкан самара бермоқда.



Ана шундай тадбирлардан бири Бўстонлиқ туманидаги "Ниҳол" болалар оромгоҳида ўтказилди.

Тадбир доирасида "Ёзни "Камалак" билан" шиори остида маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирлари ташкил этилди. "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз", "Бизда ёз – бекиёс" мавзуларида ташкил этилган семинар ва расмлар кўрик-танловлари болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда ёрдам берди. Футбол, сузиш, шахмат-шашка мусобақалари ва турли интерфаол ўйинлар эса барчага завқ улашди. Дастурларда фаол иштирок этган қатнашчилар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ўз мухбиримиз.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 13 июль куни Тошкент вилоятида ҳаво бир оз булутли бўлади, айрим туманларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 22-27, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Баъзи жойларда шамол секундига 15-20 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 13-18, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Рассом табассуми



Хотин:

– Ҳой дадаси, бола-чақанинг ризқини қаерга олиб кетаяпсиз?

Эр:

– Сабр қил, хотин, ҳали икки ҳисса бўлиб қайтади!

Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм.

XXI аср ва дунё

Маст одамга соҳилда нима бор?

Сочида кечки соат саккиздан кейин соҳилга чиқиш тақиқланди, деб хабар бермоқда шаҳар ҳокимлиги сайтига асосланган ҳолда РИА "Новости".

Шаҳар маъмурлари дам олувчилар хавфсизлигини таъминлаш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида шундай қарорга келинганини маълум қилишган. "Чунки, бу вақтда кўпчилик алкоголли маҳсулотлар истеъмол қилиш орқали ҳушёрликни йўқотади ва ўз ҳаётига жуда енгил қарайди. Фожиаларнинг аксарияти одамларнинг соҳилга тунда маст ҳолда келиши билан боғлиқ", дея мутасаддининг сўзларини айнан келтиради ахборот тарқатувчи манба.

"Вой, аламжон, жон алам..."

"Евро – 2016" финал ўйини мобайнида Парижда қатор тартибсизликлар кузатилиб, 40 дан ортиқ жамоат тартибини бузган қоидабузарлар қўлга олинган.

ТАСС агентлиги хабарларига кўра, тартибсизликлар айнан финал ўйини бошланган вақтда юзага келган ва французлар мағлубияти билан якунланган ўйиннинг сўнгги дақиқаларида авжига чиққан. Безорилар ҳуқуқ-тартибот ҳодимларини анчайин қийин аҳволга солиб қўйишгани, бунга жавобан жамоат тартибини сақловчилар кўздан ёш оқизувчи газлардан фойдаланишга мажбур бўлишгани айтилмоқда.

Шунингдек, аламига чидолмаган фанатлар стадион яқинида бир неча автомашиналарни ёқиб юборишгача боришган.

Бу қўлқоплар жағни ёрган...

Марҳум бокс юлдузи Муҳаммад Алининг шахсий буюмларига эгалик қилувчи америкалик коллекционер Жефф Розенберг спортчининг бокс қўлқоплари кимошди савдосига қўйилиши ҳақида маълум қилди.

Хорижий спорт нашрларининг ёзишича, қўлқоплар орасида Али 1971 йилда Жо Фрейзерга қарши ўтказган машҳур жангда фойдаланган қўлқоплар алоҳида қимматга эга. 2014 йилда бор-йўғи 375 долларга сотиб олинган бу чарм матоҳнинг нархи миллион доллардан кўпроққа сотилиши башорат қилинаяпти.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ФРАНЦИЯ МАЙДОНИДА ПОРТУГАЛЧА РАҚС

Миллионлар ўйинининг жозибаси ҳамиша мухлисларни ўзига ром қилиб келган. Бир ой давомида Франция яшил майдонларида бўлиб ўтган Европа чемпионати ҳам қизғин ва муросасиз баҳслар, кутилган ва кутилмаган натижалари билан барчанинг ёдида қолди. Айниқса, турнирнинг финал ўйини мухлисларни қарийб тонготаргача мижжа қоқтирмади.



10 июль куни Париждаги "Стат-де франс" ўйингоҳига йиғилган мухлислар ғалати воқеаларга гувоҳ бўлишди. Шу куни футбол кўришга фақат ишқибозлар эмас ... капалаклар ҳам ташриф буюришди. Капалаклар билан лиқ тўла стадион қайсидир маънода мусобақа ташкилотчиларининг шунча меҳнатларини чиппакка чиқаргандек бўлди. Ҳатто, Африкада ўтган Жаҳон чемпионати ҳам бундай "сюрприз"лардан ҳоли кечганди.

Бевосита ўйинга тўхталадиган бўлсак, финалдан аввал кўтчилик мезбонларнинг ғалабасини тахмин қилаётганди. Аммо, футболда тахминлар ҳар доим ҳам ўзини оқламаслигини Португалия яна бир бора исботлади. Учрашувнинг 9-дақиқасида Дмитри Пайет Криштиану Роналдуга нисбатан жиддий жароҳат етказди. Натижада, Роналду учрашувни муддатидан аввал якунлашга мажбур бўлди. Пайет эса биргина қўполлиги билан мусобақа давомида йиққан обрўйига путур етказиб қўйди. Шундан сўнг ўйин анчайин сокин кечди. Учрашувнинг асосий вақтида ҳисоб очилмади. Қўшимча таймларда эса Португалия термаси мураббийи томонидан амалга оширилган ўзгаришлар учрашув тақдирини ҳал қилди. Захирадан майдонга тушган Эдер 109-дақиқада тўп киритди, жамоасининг тарихий ғалабасини таъминлади.

Шундай қилиб, Португалия ўз тарихида биринчи маротаба Европа чемпионлигини қўлга киритди.

Мусобақа давомида рақиблар дарвозасини 6 бора ишғол қилган Франция терма жамоаси ҳужумчиси Антуан Гризман турнирнинг энг яхши ўйинчиси ва тўпурари деб топилди. Португалия термаси аъзоси, 18 ёшли Ренату Саншеш эса муобақанинг энг яхши ёш ўйинчиси бўлди.

"Евро – 2016" футбол оламидаги доимий саволларни янада кескинлаштириши мумкин. "Месси ҳамда Роналдудан қай бири кучли?", деган поёнсиз баҳс-мунозаралар яна урчийдиган бўлди. Зеро, шу пайтгача, айнан миллий терма жамоадаги омадсизликлар мазкур икки буюк футболчининг футбол оламида танҳо қирол бўлишларига ҳалал бериб келаётганди. Бу йил уларнинг бири қитъа кубоги финалида пенальтидан тўп киритолмай ғалабадан маҳрум бўлган бўлса, иккинчиси энг муҳим учрашувда жароҳат олиб, муддатидан аввал майдонни тарк этди. Шундай экан, буёғига хулоса ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Ф. РАВШАНОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz
Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.
Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Навбатчи муҳаррир Фарҳод ТОЛИПОВ
Навбатчи Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-6441. Адади 7505. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.
"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 00.00.